

**“Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси”  
Акциядорлик жамиятининг  
2016 йил учун  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

**Тошкент - 2015 й.**

## **Махфийлик хабарномаси**

*Мазкур ахборот “Ўзбекистон республикаси товар-хон ашѐ биржаси” Акциядорлик жамиятининг мулки саналади. Ушбу ахборотни қўлга киритган бирор бир шахслар ва ташкилотлар, уни мулкдорнинг рухсатисиз кўчириши ѐки бировларга бериши хуқуқига эга эмаслар.*

Ташкилотнинг тўлиқ номи	“Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси” Акциядорлик жамияти
Қисқартирилган номи	«ЎЗРТХБ» АЖ
Қайси ҳужжат асосида таъсис этилган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28 февралдаги № ПФ-772-сонли Фармони асосида
СТИР	200933985
ОКОНХ	84100
ОКПО	15350786
Асосий фаолият тури	Биржа хизматлари
Лицензия	№ ДВ 001 000006, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси (Давлат Рақобатчилик Қўмитаси) томонидан 2003 йил 26 мартда берилган
Юридик манзили	Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77
Ҳақиқий манзили	Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77



## МУНДАРИЖА:

5	Муқаддима
5	1. Жамият тўғрисида
5	2. Корпоратив мақсад, вазифалар ва биржанинг 2016 йил учун стратегияси
6	3. Жамиятнинг 2015 йилдаги фаолият натижалари
7	4. Биржа товар айланмасини ошириш ва савдо ўтказиш, ҳисоб-клиринг хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар
8	Биржа савдоларидаги товар айланмасини ошириш
8	Электрон давлат ва корпоратив харидлар олиб бориш механизмларини такомиллаштириш
9	Кўргазма-ярмарка савдосини ривожлантириш
10	5. Биржа, кўргазма-ярмарка ва аукцион савдо иштирокчиларининг ахборот таъминоти
11	6. Техник восита ва технологик жараёнлар модернизацияси
12	7. Кадрлар сиёсати ва тезкор бошқарув оптимизацияси
13	8. Молиявий-иқтисодий маълумотлар

## МУҚАДДИМА

«ЎзРТХБ» АЖ нинг бизнес режаси биржанинг 2016 йилдаги фаолияти учун асосий йўналишларни белгилаб берувчи ҳужжат сифатида ишлаб чиқилган.

Режа биржанинг мавжуд ва потенциал имкониятларидан фойдаланиш ҳисоби билан ишлаб чиқилган бўлиб, жамиятнинг 2016 йилдаги фаолият мақсадларини белгилайди ва унинг олдига корпоратив вазифалар қўяди, ушбу вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига қаратилган аниқ ташкилий-техник ва молиявий чора-тадбирларини шакллантиради, ҳамда Биржа фаолияти рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш дастури бўлиб хизмат қилади.

Бизнес режа чора-тадбирларини бажариш, унда кўзда тутилган барча чораларнинг реализацияси бўйича тизимли ишлар ва унинг Биржа бошқаруви томонидан ижроси устидан мунтазам мониторинг, корпоратив маслаҳатчи, ички аудит хизмати ва кузатув кенгаши томонидан назорат олиб бориш ҳисобига таъминланади.

### 1. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йилдаги 28 февралдаги № ПФ-772-сонли Фармонига биноан, “Узоптбиржеторг” Бирлашмаси таркибида таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 апрелдаги № ПФ-2836 сонли Фармонига биноан, «ЎзРТХБ» АЖ “Узоптбиржеторг” Бирлашмаси таркибидан чиқарилган ва ўз фаолиятини мустақил бозор тузилмаси сифатида амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги №-66 сонли “Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ, 2003 йил 28 мартда биржага № RR 38-02-сонли лицензия берилган.

Биржа ўз фаолиятини акциядорлик жамияти шаклида олиб боради.

Биржа устав жамғармаси 15 741 268.2 минг сўм миқдорида шакллантирилган бўлиб, тарқатилган улушлар сони – 24 986 140 донани ташкил қилади.

Биржа устав жамғармасида давлат улуши – 26.01 % га тенг.

Қуйидагилар биржа акциядорлари саналади:

ХОАББ «Трастбанк» - 22,13 %;

«PRESYSTEMUNIVERSAL» ҚК МЧЖ- 14,68 %;

«Ўзнефтмахсулот» АК - 6 %;

АГМК – 6 %;

«Ўзбек металлургия комбинати» АЖ- 6 %;

бошқа юридик ва жисмоний шахслар - 20 % дан кам.

## **2. БИРЖАНИНГ 2016 ЙИЛДАГИ КОРПОРАТИВ МАҚСАД, ВАЗИФА ВА СТРАТЕГИЯСИ**

**“ЎЗРТХБ” АЖ нинг 2016 йилдаги асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:**

биржада амалга ошириладиган битимлар ҳажмини 5,4 % га ошириш;

биржа савдоларини ўтказиш, давлат ва корпоратив харидларни, кўرғазма-ярмарка савдолар ва миқдорларга ҳисоб-клиринг хизмат кўрсатилишини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш;

Жамият фаолиятини тасвирловчи иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш (акциядорларга тўланадиган фойда, даромад ва дивидендлар ҳажми), шу жумладан:

биржа фойдасини 7.9 % га ошириш;

акциядорларга тўланадиган дивидендлар ҳажмини ҳар бир улуш учун 198 сўм даражасида белгилаш.

Биржанинг 2016 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги №-353 сонли “Ўзбекистон Республикасида 2016-2018 йй даврида электрон тижоратни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори, ҳамда Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржасининг келгусидаги жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича Чора-тадбирлар Мажмуасида кўзда тутилган чора-тадбирлар ижросига қаратилади.

Юқорида келтирилган ҳужжатларда назарда тутилган чоралар реализацияси биржа ва кўзгазма-ярмарка савдоси, давлат ва корпоратив харидлар механизмини такомиллаштириш, шунингдек биржа томонидан олиб бориладиган савдолар айланмасини ошириш имконини беради.

## **3. ЖАМИЯТНИНГ 2015 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ**

2015 йилнинг 9 ойи давомида, “ЎЗРТХБ” АЖ даги савдолар айланмаси ўтган йилнинг худди шу даврига солиштирганда 1.1 % га пасайиш билан 6465,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Савдолардаги айланманинг пасайиши савдоларда реализация қилинадиган маҳсулотнинг энг асосий турларига бўлган нархлардаги пасайишдан келиб чиққан. Шу тариқа, цементни реализация қилиш айланмаси 8,2% га пасайган бўлса, уни табиий ҳисобдаги реализацияси ҳажми 22 % га ўсди, бунда сиқилган газ савдоларидаги айланма 1,1% га пасайган бўлса, уни табиий ҳисобдаги реализацияси ҳажми 19.5 % га ўсди.

Шу сабабли, биржа савдолари платформаларида амалга оширилган битимлар ҳажми 3.1 % тушиб кетди. Корпоратив харидлар бўйича савдолар айланмаси 1 % га тушди. худди шу вақтда кўрғазма-ярмарка савдо айланмаси 8,2% га ошган бўлса, давлат харидлари бўйича битимлар айланмаси 11,% га кўпайди.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар савдоларда ҳақиқий бозор нарх (бошланғич нархлардан юқори) ларини шакллантириш ҳисобига 1830.3 млрд сўм миқдорида кўшимча даромад олишди.

Биржа, кўрғазма-ярмарка ва аукцион савдоларда шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаол иштирок этдилар. Тадбиркорлик субъектлари томонидан 3347.7 млрд сўмга маҳсулот харид қилинди ва ўз ишлаб чиқаришидаги маҳсулотни 143.3 млрд сўм миқдорида реализация қилинди, бу эса

2014 йилнинг 9 ойидаги кўрсаткичларидан 6.5 ва 18.4 % га юқори демакдир. Тадбиркорлар томонидан олиб борилган битимлар ҳажмининг биржа умумий ҳажмларидаги улуши ўтган йилнинг худди шу давридаги 66.5 % га нисбатан 73.8 % ни ташкил қилди.

Аукционларнинг электрон тизимида бошланғич нархларнинг пасайиши туфайли 347.7 млрд сўмга давлат харидлари амалга оширилди, ва бу ўтган йилнинг худди шу даври билан солиштирганда 2.5 % га кўп демакдир (2014 йилнинг 9 ойи учун – 339.3 млрд сўм). Бюджет маблағларини савдолар жараёнида нархларни пасайтириш ҳисобига тежаш, 101.4 млрд сўмни ташкил қилди, ва бу ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 23.5 % га кўп демакдир. Товар (иш, хизмат) етказиб берувчилари (таъминотчилари) нинг умумий сониди – кичик корхоналар 97,8% ни ташкил қилса, уларнинг аккредитацияланган таъминотчилар сифатидаги сони 2014 йилнинг 9 ойи давомида 20 855 дан 36 937 тагача, 1.8 мартага ошди.

Электрон корпоратив харидлар тизимида 260.7 млрд сўм миқдорида битимлар амалга оширилди, ва бу 2014 йилнинг 9 ойида 99.0 % на ташкил қилди. Молиявий маблағларни тежаш 2014 йилнинг 9 ойи давомидаги 49.4 млрд сўмга нисбатан 54.4 млрд сўмни ташкил қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 26.03.2015 й.даги № 69 сонли Қарори билан, 2015 йил 1 июндан бошлаб, биржада электрон каталог асосидаги биринчи заруратдаги товар, иш ва хизматларнинг давлат харидлари учун янги механизм киритилади. Ушбу механизм жорий этилгандан вақт ичида, 31.2 млрд сўмга битимлар амалга оширилди ва 7.8 млрд сўмлик бюджет маблағлари тежалди.

“ЎзРТХБ” АЖ савдо тизимларига киришлари учун савдо иштирокчилари учун бир хил шароитлар яратиш мақсадида, республиканинг барча вилоятларида ҳудудий бўлимлар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, ҳудудий тузилмага биржада аккредитациядан ўтган савдо майдончалари тармоғи киради, ва у савдо иштирокчиларига уларнинг ҳудудий жойлашувига қарамай олиб борилаётган савдоларда қатнашиш имкониятини беради. Ҳозирда, биржада 189 та савдо майдончаси аккредитацияланган. Биржада 811 та брокерлик идораси ва 1994 та трейдерлар аккредитацияланган.

#### **4. БИРЖА ТОВАР АЙЛАНМАСИНИ ОШИРИШ ВА САВДОЛАР ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР**

Биржа 2015 йилдаги 5.4 % га нисбатан ўсишна таъминлаб, 2016 йилда нарх ифодасида 9458.4 млрд сўм миқдоридаги товар айланмасига эришишни режалаштирмоқда.

Бунда, битимлар ҳажмини кўпайтиришга, биржанинг барча электрон савдо: биржа, кўрғазма-ярмарка платформалари, ҳамда давлат ва корпоратив харидларни ташкил қилиш платформаларидаги ўсиш ҳисобига эришилади.

2016 йил учун ўсиш суръатлари, жамиятнинг 2015 йилдаги фаолият натижалари ва барча савдо платформалари савдо механизмлари ва фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш бўйича режалаштирилаётган чора-тадбирларга асосланади.

**“ЎЗРТХБ” АЖ да 2016 йил савдо айланмасидаги ўсиш прогнози**

(млрд.сўмда)

	<b>2014й. Ҳисобот</b>	<b>2015й. кутилган</b>	<b>2016й. прогноз</b>	<b>2016й. учун %, 2015 й. да кутилганга нисбатан</b>
<b>Жами савдолар айланмаси</b>	<b>8 881,0</b>	<b>8 972,1</b>	<b>9 458,4</b>	<b>105,4</b>
шу жумладан:				
биржа савдолари	7 052,2	7 054,2	7 357,1	104,3
кўргазма-ярмарка савдоси (маҳсулотлар реализацияси)	1 007,8	1 018,6	1 100,1	108,0
давлат харидлари	470,5	553,5	638,1	115,3
корпоратив харидлар	350,4	345,8	363,1	105,0

**Биржа савдолари товар айланмасини кўпайтириш**

Биржа савдоларида жорий йилнинг кутилган ҳажмидан 4.3 % га кўп ёки 7357 млрд сўм миқдорида маҳсулот, хом-ашё ва материалларни реализация қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг ҳудудий органлари билан монополиячи-корхоналар томонидан жадвалларга биноан юқори ликвидли маҳсулот, хом-ашё ва материалларнинг биржа савдоларига киритилишини назорат қилиш бўйича ишлар давом эттирилади.

2016 йилда, шунингдек маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг биржа савдоларига жалб қилиш ва уларни котировкалаш вароғига киритиш мақсадида уларнинг фойдаланилмаган потенциалини ўрганиш бўйича ишлар давом эттирилади.

2016 йилда товарларнинг биржа савдоларидаги реализация механизмини такомиллаштиришга қаратилган ва Биржа томонидан режалаштирилаётган чора-тадбирлар мажмуаси қуйидагиларни назарда тутади:

- охириги санада чоп этилган биржа котировкаларининг ўртача ўлчанган нархларидан келиб чиқиб ҳисобланган бўнақлар киритиш механизмини жорий этиш;

- биржа шартномалари бўйича ва улар бўйича ҳисоблар олиб боришни, товарлар етказиб бериш жараёнини назорат қилишни соддалаштириш ва тзлаштириш;

- биржада ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонунчиликка биноан амалга оширилган битимлар бўйича низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш.

2016 йилда, шунингдек биржа савдоларида маҳсулот реализацияси тартибини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, шу жумладан ҳашак донини биржа савдоларида реализация қилиш тартиби тўғрисидаги Қоида ва “Биржа ва биржа



фаолияти тўғрисида” ги Қонун ва қонунчиликдаги тегишли ўзгаришлар талабларига мувофиқ, амалдагилари ўрнига пахта чигити, шакар, автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, минерал ўғитлар, қора металллар прокати, ун каби маҳсулотларни биржа савдоларида реализация қилиш тартиби тўғрисидаги Қоидаларнинг янги таҳрирларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

### **Электрон давлат ва корпоратив харидларни ўтказиш механизмларини такомиллаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги, бошқа бир қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, 2016 йилда давлат ва корпоратив харидларини ташкил этиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кутилмоқда, шу жумладан:

давлат ва корпоратив харидлар усуллари (харидларни электрон танлов (тендер, зарур ҳолларда хариднинг бошқа усуллари, ҳамда уларни икки босқичда жорий этиш орқали) ни кенгайтириш;

биржа ХКП орқали ҳисоб-китоблар олиб бориш механизмини жорий этиш, таъминотчиларнинг турли тоифаларни киритиш ва уларнинг дастлабки малакасини ўтказиш, ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонунчилик асосида низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш ҳисобига шартнома интизоми даражасини кўтариш.

давлат харидлари тизимида максимал рухсат берилган нарх (шу жуладан бошланғич) ларни аниқлаш жараёнларини тартибга солиш ҳисобига, дастлабки махфий битим тузиш ва нархлар билан манипуляция қилиш имкониятларини бартараф этиш

2016 йилда электрон давлат ва корпоратив харидлар бўйича битимларнинг 1 000 млрд сўмлик ҳажмига эришиш кўзда тутилмоқда, шу жумладан:

электрон давлат харидлари – 638,1 млрд сўм (ўсиш – 15%);

электрон корпоратив харидлари – 363,1 млрд сўм (ўсиш – 5%).

### **Кўргазма-ярмарка савдосини ривожлантириш**

Кўргазма-ярмарка савдоси электрон тижоратни ривожлантириш учун асос сифатида, республика корхона ва ташкилотлари, ва биринчи ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг унда иштирок этишлари учун янада жозибадор ва мақбул шартлар яратишга қўмаклашувчи янги механизмларни жорий этиш асосида такомиллаштирилади.

Кўргазма-ярмарка савдосини ташкил этиш жараёнларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг йўқлиги, биржанинг бундай истиқболли йўналишининг ривожини сезиларли кечиктирмоқда. 2016 йил иккинчи чоракда, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги 3-353 сонли “Ўзбекистон республикасида 2016-2018 йй.даврида электрон тижоратни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарорига № 2-Илованинг 7-бандига мувофиқ, биржа томонидан ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасига битимлар амалга ошириш механизмларини, хусусан кўргазма-ярмарка савдоси тизимини тартибга солишга қаратилган “Электрон ярмарка, аукцион, танлов, кўргазма-ярмарка савдоси ва

электрон тижоратнинг бошқа турларини ташкил этиш бўйича фаолият билан шуғулланувчи ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида” ги ҳукумат қарорининг лойиҳаси киритилади.

Кўргазма-ярмарка савдосини такомиллаштириш, савдоларга янги иштирокчилар жалб қилиш ва электрон тизимда реализация қилинадиган товарлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ижроси натижасида, 2016 йилда “ЎзРТХБ” АЖ да кўргазма-ярмарка савдоси айланмасини 8 % га ошириб, савдолар битимларининг ҳажмини 1 100 млрд сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

## **5. БИРЖА, КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА ВА АУКЦИОН САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ**

Биржанинг 2016 йилдаги ахборот-таҳлилий фаолиятининг асосий урғуси яратилган махсус ахборот порталини такомиллаштириш, унинг функцияларини кенгайтиришга берилади.

Таҳлилий фаолият савдолар натижаларини тизимли таҳлил қилишга, прогнозлаш элементлари билан биргаликда ахборот тўплашга асосланиб, замонавий, сифатли ва самарали бошқарув қарорлари қабул қилишга қаратилади.

Таҳлилий иш усуллари қуйидагиларга асосланади:

маълум вазифаларни ҳал қилиш ва амалий натижаларни олиш учун аниқ мақсадларга эришишга йўналиш, мақсадли ҳаракат қилиш;

олиб борилаётган ишнинг долзарблиги;

унинг ҳозирги вақт учун юқори даражадаги муҳимлиги, айнан шу ҳолатда, аниқ муаммони ечиш учун;

уни олиб боришнинг фаоллиги;

таҳлил бошланғич маълумотларининг ҳаққонийлиги, ишлатилган кўрсаткичларнинг аниқлиги, хулоса, баҳо ва таклифларнинг объективлиги ва хусусиятлари;

олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга алоқадор бўлган бутун маълумотнинг тўлиқ ишлатилиши;

натижаларни ўз вақтида олиш ва белгиланган муддатларда, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиб, қулай шакл ва турда бериш.

Товар бозорининг алоҳида сегментларидаги таҳлилий кўрувлар бозор конъюнктураси (тузилмаси) ни, қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболли прогнозлар билан биргаликда акс эттиради.

Дунё товар бозорлари ва хориж биржаларининг доимий мониторинги ва улар конъюнктурасининг таҳлили, келгусида биржа фаолиятини ёритишда ишлатиш учун таҳлилий материал ва кўрувларни шакллантириш имконини беради.

Биржа товарлари бозори ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, давлат ва корпоратив харидлар бўйича кўргазма-ярмарка савдоси ва аукционларларни ривожлантириш асосида, савдо ва харидлар иштирокчиларига кенг миқёсда хабар бериш учун, бизнес жамиятлари ва органларини тартибга соладиган биржа ахборотномаси (бюллетень) шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги № 353-сонли “Ўзбекистон республикасида 2016-2018 йй.даврида электрон тижоратни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги

Қарорига № 2-Илованинг 9-бандига мувофиқ, биржа ва Давлат ракобат қўмитаси, иқтисодиёт, молия ва ахборот технологиялари вазирликлари билан биргаликда Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси Махсус ахборот порталини қуйидагилар ҳисобига такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилади:

рўйхатга олиш жараёнларини соддалаштириш ва тезлаштириш;

электрон давлат ва корпоратив харидлар портали фойдаланувчилари учун, қўшимча сервислар мажмуасини яратиш;

харидлар жараёнида дастлабки махфий битим тузиш ва нархлар билан манипуляция қилиш имкониятлари олдини олиш;

қонунбузарликларнинг олдини олишни назорат қилувчи ва амалий мониторинг қилувчи механизмни жорий қилиш.

Ахборот фаолияти соҳасида, котировка, таҳлилий ва бошқа бизнес маълумотларнинг кенг жамоатчиликка, шунингдек тегишли вазирлик ва идораларга етказиш бўйича тизимли ишлар олиб борилади.

Шахсий ахборот ресурслари, шу жумладан корпоратив портал, газета ва “UzEx янгиликлари” телевизион дастурини масштабни янгилаш ва модернизациялаш олиб борилади. Мазкур тадбирларни олиб боришдан асосий кўзланган мақсад – уларнинг фойдаланувчилар орасида хабардорлик ва машҳурлигини оширишдан иборат. Доимий асосда биржанинг расмий саҳифалари, шу жумладан Facebook ва Twitter ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича тадбирлар ташкил этилади.

Шу билан бир қаторда, биржа фаолияти яқунларини янада кенгрок ёритиш учун, “Биржа бюллетени” (Ахборотномаси) ахборот маҳсулотини ишлаб чиқиш, чоп этиш ва тарқатиш режалаштирилган. Мазкур маҳсулотда биржанинг ўтган давр учун фаолият яқунлари, “ЎзРТХБ” АЖ ва хориж биржалари товар бозорларидаги статистика маълумотлар ва таҳлилий кўрувлар акс эттирилади.

Товар бозорининг алоҳида сегментлари учун таҳлилий кўрувлар бозор конъюнктурасини, қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболли прогнозлар билан биргаликда акс эттиради.

2016 йилда материалларни давлат тилида чоп этиш орқали “UzEx Янгиликлари” корпоратив газетасининг ўзбек тилидаги сонини кенгайтириш ва Янги эфир студиясининг ишга тушиши ҳисобига “UzEx янгиликлари” телевизион дастурини янгилаш режалаштирилмоқда.

## **6. ТЕХНИК МАБЛАҒ ВА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР МОДЕРНИЗАЦИЯСИ**

2016 йилда техник воситаларни модернизациялаш ва янгилаш асосида технологик жараёнларни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ижроси кўзда тутилмоқда.

Биржа марказий аппарати ва бўлимларида компьютер ва ташкилий техника паркни янгилаш бўйича ишлар давом эттирилади.

Биржанинг давлат ва корпоратив харидлар учун янги шаклларни киритиш бўйича ва биржа мижозларига кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш бўйича таклифлари қабул қилинганда, ЎзРТХБ АЖ да қуйидаги дастурий-техник мажмуалар ишлаб чиқилади ва жорий этилади:

электрон танлов;

наҳрларнинг электрон сўровномаси ва таклифларнинг электрон сўровномаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги № 353 сонли “Ўзбекистон республикасида 2016-2018 йй.даврида электрон тижоратни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарорига № 2-Илованинг 19-бандига мувофиқ, биржа Онлайн –ўқитишнинг Миллий порталини яратилишида фаол иштирок этади.

Бундан ташқари, 2016 йилда қуйидаги чора-тадбирлар режалаштирилган: хар бир савдо платформаси учун – маълумотлар омборининг захира серверини яратиш (standby);

биржадаги барча савдо платформалари мижозларининг электрон рақамли имзосини босқичма-босқич жорий этиш;

“СМС-хабар берувчи” тизимини яратиш ва уни аппарат воситаларига жорий этиш (ўрнатиш);

биржанинг мавжуд электрон почта тизимларини оптимизациялаш.

## 7. КАДРЛАР СИЁСАТИ

Жамиятнинг кадрлар сиёсати уни ривожлантириш стратегиясининг ажралмас қисми бўлиб, ходимларни тезкор бошқаришни оптималлаштиришга қаратилади.

2016 йилда биржа кадрлар ишини тартибга солиш мақсадида, Ички меҳнат интизоми Қоидаларининг янги таҳрири, ва қуйидагилар тўғрисида Низомлар ишлаб чиқилади:

ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида.

ходимларни ўқитиш ва аттестациядан ўтказиш тизими тўғрисида.

захира, калит лавозимлар учун малакавий талаблар ва калит лавозимлардаги кадрларни сақлаб қолиш тизимини шакллантириш тартиби тўғрисида;

Ходимларни баҳолаш тизими, Самарадорликни бошқариш тизими (KPI, Performance management) тўғрисида;

ходимларнинг мотивацияси ва моддий рағбатлантирилиши тўғрисида.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси, битирувчилар ярмаркаси, О.Т.М., ларда ўтказиладиган иш кунлари, ОАВ да бўш иш ўринларини чоп этиш воситасида HR-брэндинг бўйича Биржанинг иш берувчи сифатидаги жозибадорлигини ошириш юзасидан режалар ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

Хар бир ходим учун Шахсий ривожланиш режалари тузилади.

2016 йилда биржада устоз-мураббийлик ва коучинг тизимларини киритиш, ва ушбу тизим талабларини ходимлар лавозим йўриқномаларига бириктириш кўзда тутилмоқда.

## 8. МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Биржанинг асосий фаолиятдан олинadиган даромади – қуйидаги кўрсатилadиган **биржа хизматларидан** олинadиган комиссия божи (тўлови) дир:

кафолатли битимлар бўйича;

клиринг хизматлари;

кўргазма-ярмарка савдолари тизимидаги битимлар;

давлат харидлари тизимидаги битимлар;  
 корпоратив харидлари тизимидаги битимлар;  
 махсус ахборот порталига эълонлар жойлаштириш;  
 ахборот-таҳлилий материалларни тақдим этиш.

**Биржа аъзоларига кўрсатиладиган хизматлардан олинadиган фойда:**

автоматлаштирилган иш ўрни учун бож;  
 брокерлик жойи учун бож;  
 савдо майдончаларини улаш учун бождлар.

**Асосий фаолиятдан олинadиган бошқа фойда:**

қиска муддатли ижара

**Молиявий фаолиятдан олинadиган фойда:**

бўш воситаларни жойлаштиришдан олинadиган фоизлар;  
 ижобий курс фарқи.

Даромад бирликлари бўйича режалаштирилаётган кирим, сўмли ифодада,  
 чораклар кесмасида қуйидагича кўринишда бўлади:

(минг. сўмда)

Даромад номи	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	ЖАМИ
Комиссия бождларидан тушган кирим	7 355 123	7 480 783	7 693 640	7 804 675	30 334 221
Биржа аъзоларига ва савдо иштирокчиларига кўрсатиладиган хизматлардан олинган фойда (брокерлик ўрни, иш ўрни бериш, алоқа канали линиясига улаш)	351 190	185 148	185 983	166 096	888 417
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад	70 082	80 082	80 082	120 082	350 328
Молиявий фаолиятдан олинган даромад	679 410	865 927	579 410	565 927	2 690 674
<b>ЖАМИ</b>	<b>8 455 805</b>	<b>8 611 940</b>	<b>8 539 115</b>	<b>8 656 780</b>	<b>34 263 640</b>

**2. Биржа хизматларининг нархи**

1. UZBEX тизими билан боғлиқ хизматлар, биржа битимлари билан боғлиқ хизматлар учун ундириладиган комиссия бождлари ҳажми, ҳисоб-клиринг палатаси ва ахборот хизматлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 29.08.2015 й.да № ММ/15-04-Уз-2015/8 сони билан рўйхатга олинган “ЎзРТХБ” АЖ хизматлари учун энг кўп тарифлар Декларацияси билан тартибга солинади (ҚҚС сиз).

2. Давлат харидлари тизимидаги битимлар учун комиссия бождлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2013 й.даги № ПҚ-1948 сонли Қарорига биноан, хар бир савдо иштирокчисидан битим суммасининг 0,05 % ни ташкил қилади (ҚҚС билан).

3. Корпоратив харидлар тизимидаги битимлар учун комиссия божи ҳажми, кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 29.08.2015 й.да № ММ/15-04-Уз-2015/8 сони билан рўйхатга олинган “ЎзРТХБ” АЖ хизматлари учун энг кўп тарифлар Декларациясига мувофиқ ҳар бир савдо иштирокчисидан битим суммасининг 0.1035 % да, (ҚҚС сиз).

4. Кичик тадбиркорлик субъектларининг корпоратив харидлар тизимидаги битимлар учун комиссия божи ҳажми, ЎзРес ВМ 11.06.2013 й.даги № 116 сонли “Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида” ги Қарорининг 48-бандига биноан, ҳар бир савдо иштирокчисидан битим суммасининг 0.05 % да, (ҚҚС билан)

5. Корпоратив харидлар бўйича махсус ахборот порталига эълон жойлаштириш учун тўлов ҳажи, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 29.08.2015 й.даги № ММ/15-04-Уз-2015/8-сонли хатига биноан 3 622.5 сўмни ташкил қилади (ҚҚС сиз)

6. Биржа марказий залида жойлашган автоматлаштирилган брокер иш ўрни учун тўлов, амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 62 %, ва Бошқарувнинг 15.01.2015 й.даги № 12 – сонли мажлис Баёнотига биноан ҳудудий бўлимлардаги савдо залларида ойига энг кам ойлик иш ҳақининг – 41 % ни ташкил қилади (ҚҚС билан)

7. Брокерлик ўрни учун тўлов (ЭСБТ тизимидаги кириш ҳуқуқи) тариф шкаласи бўйича, Бошқарувнинг 15.01.2015 й.даги № 12 – сонли мажлис Баёнотига биноан ҳар бир трейдер учун энг кам ойлик иш ҳақининг 102 % ни ташкил қилади (ҚҚС билан)

8. Ягона савдо майдончасига уланиш учун божлар:

Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса – ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробарида;

Вилоят марказида жойлашган бўлса - ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробарида;

шаҳар ва туман бошқарувининг туманларида – бепул.

### **3. Доимий ва ўзгарувчан харажатлар**

**Доимий** харажатлар бу – ҳажми кўрсатиладиган хизматлар билан ўзгармайдиган харажатлардир.

**Доимий** харажатларга қуйидагилар киради:

маъмурий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари – 2 778 434 минг сўм;

ижтимоий суғуртага ушланмалар – 607 610 минг сўм;

бинолар ижараси ва эксплуатацияси – 340 327 минг сўм;

асосий ва номоддий воситалар амортизацияси:

ишлаб чиқариш мақсадидаги - 765 836 минг сўм;

маъмурий мақсаддаги - 42 160 минг сўм;

алоқа хизматлари:

ишлаб чиқариш мақсадидаги – 48 840 минг сўм;

маъмурий мақсаддаги – 6 000 минг сўм;

интернет – 211 221 минг сўм;

УМУМИЙ ҳажми - 4 800 428 минг сўм.

**Ўзгарувчан** харажатлар бу – ҳажми кўрсатиладиган хизматлар ҳажмига кескин боғлиқ бўлган харажатлардир.

**Ўзгарувчан** харажатлар қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари - 5 304 439 минг сўм;

ижтимоий суғуртага ушланмалар - 1 326 111 минг сўм.

ишлаб чиқариш мақсадидаги материаллар хариди - 746 477 минг сўм;

барча турдаги ёқилғи ва энергия - 169 586 минг сўм;

Бундан ташқари, ўзгарувчан харажатлар қаторига, ишлаб чиқариш мақсадидаги харажатлар (асосий воситаларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, автотранспортни сақлаш, ЦБ алоқа каналининг ижараси, иш сафарлари харажатлари) ҳам киритилган бўлиб, уларнинг ЖАМИ суммаси - 926 937 минг сўм ни ва 231 000 минг сўм даги рекламадан иборат.

Ишлаб чиқариш ва маъмурий мақсаддаги жами ўзгарувчан харажатлар - 13 504 978 минг сўм нии ташкил қилади.

Бошқа иш харажатлари, жами - 11 135 215 минг сўм.

#### **4. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари**

Ишлаб чиқариш мақсадидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари сафига, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича даврий тизим билан қабул қилинган шаклга мувофиқ тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб, амалда бажарилган ишлаб чиқариш ва маъмурий характердаги ҳисобланган ойлик иш ҳақи, шу жумладан, Биржанинг жамоавий битими билан тасдиқланган “Биржа ишчи-ходимларини рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ва “Йил яқунлари бўйича ишчиларни мукофотлар тўғрисида” ги Қоидалар талаблари билан назарда тутилган бошқа тўловлар киради. Шу тариқа, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлар, жами - 8 082 875 минг сўмни, шу жумладан, 5 304 441 минг сўм миқдоридagi ишлаб чиқариш ва 2 778 434 минг сўм миқдоридagi маъмурий харажатларни ташкил қилади.

#### **5. Асосий воситалар амортизацияси**

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатларга – тегишли тартибда тасдиқланган меъёрлар ва ишлаб чиқариш асосий воситаларининг (тикланган) бошланғич қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ушланмалари (ҳисобланган эскириш) суммаси киритилади.

Бизнес режасини тайёрлаш вақтида белгиланган асосий воситалар қийматидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар амортизацияси - 765 836 минг сўмни, маъмурий мақсаддагилари эса – 42 160 минг сўм ни, ва жами 807 996 минг сўмни ташкил қилади, шу жумладан уларнинг бошланғич қиймати ва фойдали ишлатиш муддатларидан келиб чиқиб ҳисобланган 215 280 минг сўм миқдоридagi номоддий активлар эскириши

(амортизацияси) билан бирга.

## 6. Қарзга олинган маблағлардан фойдаланиш ва уларни қайтариш.

Бизнес режани тузиш вақтида, биржа қарзга олинган маблағларга эга эмас ва 2016 йилда заём олишни режалаштирмапти.

## 7. Солиқ ва мажбурий тўловлар

Биржа умумий белгиланган солиқлар, шу жумладан бюджетга мажбурий тўловлар, амалдаги қонунчиликка биноан амалга ошириладиган давлат мақсадли жамғармаларига солиқ, бож, ушланмалар тўловчиси ҳисобланади.

Солиқлар бўйича тўлов Ўзбекистон республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган ставкалар бўйича амалга оширилади:

ҚҚС – 20 %;

Даромад солиғи – 7,5 %;

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи – 8 %;

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи (тахминан);

Ер солиғи (тахминан);

Мол-мулк солиғи – 4 %;

Дивиденд шаклида тўланадиган даромад солиғи – 10 %;

Жисмоний шахслар даромад солиғи;

Бюджетдан ташқари жамғармаларга ушланмалар:

Нафақа жамғармаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ЯИТ – 25 %;

Кўрсатилган хизматлар хажмидан – 1,6 %;

Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари – 7%;

Республика йўл жамғармаси – 1,4 %;

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси – 0,5 %.

Шундай қилиб, бюджетга тўланадиган тўловлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ) - 755 117 минг сўм ни, бюджетдан ташқари жамғармаларга ушланмалар эса (нафақа, йўл, мактаб таълимини ривожлантириш), кўрсатилган хизматларни реализация қилиш суммасидан келиб чиқиб ҳисобланган - 1 092 792 минг сўм ни ташкил қилса, даромад солиғи - 984 661 минг сўм ва ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи – 575 103 минг сўм.

## 8. Пул оқими тўғрисида маълумотлар

(минг.сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Кириш	Чикиш
1	2	3	4
<b>Тезкор фаолият</b>			
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) реализациясидан келиб тушган пул маблағлари	10	34 159 571	
Материал, товар, иш ва хизмат учун таъминотчиларга пул тўловлари	20		11 747 978
Ходимлар ва уларнинг номига пул тўловлари	30		11 914 220



Тезкор фаолиятдан тушган бошқа пул маблағлари ва тўловлари	40	5 573 339 352	5 567 274 537
Жами: соф пул оқими / тезкор фаолиятдан чиқим(сатрлар 010-020-030+/-040)	50	16 562 188	
<b>Инвестицион фаолият</b>			
Асосий воситаларни харид қилиш ва сотиш	60	20 000	
Номоддий активларни харид қилиш ва сотиш	70		
Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни харид қилиш ва сотиш	80		
Инвестицион фаолиятдан тушган бошқа пул маблағлари ва тўловлар	90		
Жами: соф пул оқими / инвестицион фаолиятдан чиқим (сатр. 060+/-070+/-080+/-090)	100	20 000	
<b>Молиявий фаолият</b>			
Олинган ва тўланган фоизлар	110	1 188 824	
Олинган ва тўланган дивидендлар	120	101 850	4 268 000
Молиявий фаолиятдан тушган бошқа пул маблағлари ва тўловлар	170		
Жами: соф пул оқими/молиявий фаолиятдан чиқим (сатр.110+/-120+130-140+/-150+/-160+/-170)	180		2 977 326
<b>Солиққа тортиш</b>			
Тўланган даромад солиғи	190		984 662
Тўланган бошқа солиқлар	200		2 449 413
Жами: тўланган солиқлар (сатр. 190+200)	210		3 434 075
Жами: соф пул оқими/молиявий-хўжалик фаолиятидан чиқим (сатр. 050+/-100+/-180-210)	220	10 170 787	
Йил бошидаги пул воситалари	230	312 288 615	
Йил якунидаги пул воситалари	240	322 459 402	

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ  
ХАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

(АҚШ Долл.)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Суммаси	
Йил бошидаги қолдиқ	250	5 910 108	
Жами тушган валюта воситалари (сатр. 261+262+263+264) в том числе	260	110 596 592	
Реализациядан фойда	261	104 069	
Конвертацияланган	262		
Молиявий фаолият бўйича	263		
Бошқа манбалар	264	110 492 523	
Жами сарфланган валюта воситалари (сатр. 271+272+273), в том числе	270	110 059 865	
таъминотчи ва пудратчиларга тўловлар	271		
Молиявий фаолият бўйича тўловлар	272		

Бошқа мақсадлар учун	273	110 059 865	
Йил якунидаги қолдик	290	6 446 835	

## 9. Даромад ва зарарлар прогнози

Биржа фаолиятининг молиявий яқунлари қуйидаги даромад кўрсаткичлари билан тавсифланади:

махсулот реализацияси фойдаси ва реализацияланган махсулотнинг ишлаб чиқариш қиймати орасидаги фарқ сифатида белгиланадиган япли даромад - 21 698 122 минг сўм га тенг.

махсулот реализациясининг япли даромади ва давр харажатлари орасидаги фарқ сифатида белгиланадиган асосий фаолиятдан олинган даромад, ва асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда ва бошқа зарарларни қўшмаган тарзда - 6 932 772 минг сўм га тенг.

молиявий фаолият бўйича фойда қўшиб ва харажатларни олиб ташлаб, асосий фаолиятдан олинган даромад суммаси деб ҳисобланадиган – умумхўжалик фаолиятидан тушган даромад - 8 495 305 минг сўм га тенг.

умумхўжалик фаолиятдан олинган даромад деб қараладиган солиққага бўлган фойда, ортиқча даромадни қўшиб ва ортиқча зарарларни олиб ташлаганда 8 495 305 минг сўмни ташкил қилиб, у ортиқча даромад ва зарарни режалаштирмасдан туриб умумхўжалик фаолиятидан тушган даромадга тенг.

солиқлар тўлагандан кейин биржа ихтиёрида қоладиган йиллик соф даромад, ўз ичига солиқларгача бўлган даромадни олиб, даромад солиғи ва инфратузилма учун солиқни олиб ташлаб ҳисобланади. 2016 йилда тахминан режалаштирилган соф даромад - 6 887 580 минг сўм ни ташкил қилади.

Фойда ва зарар ҳисоботи фойда ва зарар бўйича тузилган сметада кўрсатилган (молиявий режа).

### “ЎЗРТХБ” АЖ бўйича 2016 йил учун ДАРОМАД ВА ЗАРАРЛАР СМЕТАСИ (молиявий режа)

КЎРСАТКИЧЛАР		2015 й. режаси	2015 й.кутилган	2016 й. режаси			
				1 чорак	1 яримйиллик	9 ой	2016 й
<b>I</b>	<b>ЖАМИ ДАРОМАДЛАР</b>	<b>33 122 799</b>	<b>31 257 105</b>	<b>8 552 699</b>	<b>17 135 737</b>	<b>25 785 701</b>	<b>34 768 413</b>
	шу жумладан:						
	<b>Комиссия божларидан фойда</b>	<b>28 076 804</b>	<b>26 338 006</b>	<b>7 309 976</b>	<b>14 857 244</b>	<b>22 520 602</b>	<b>30 517 136</b>
	кафолатланган битимлар	11 828 285	12 332 137	3 656 320	7 309 071	10 970 385	14 619 542
	кафолатланган валюта битимлари	141 253	82 140	25 834	53 931	83 869	104 069
	клиринг хизматлари	7 070 882	6 292 303	1 820 437	3 746 651	5 716 716	7 802 557
	ИВ бюджетдан ташқари жамғармасига бож	6 288 670	5 324 727	1 187 693	2 483 358	3 833 009	5 398 605
	UZBEX тизимидаги битимлар	1 450 499	1 291 433	342 167	699 536	1 058 991	1 422 148
	давлат харидлари тизимидаги битимлар	434 535	413 991	111 663	229 277	347 526	481 727
	корпоратив харидлар тизимидаги битимлар	862 680	545 293	155 862	305 420	465 106	633 488
	ахборот хизматлари		55 982	10 000	30 000	45 000	55 000

	<b>Биржа аъзоларига хизмат кўрсатишдан тушган фойда</b>	<b>748 442</b>	<b>855 092</b>	<b>351 190</b>	<b>536 337</b>	<b>722 321</b>	<b>888 417</b>
	абонентлик тўлови	402 770	362 425	98 569	197 137	300 671	404 204
	аъзолик бадалли	167 680	160 057	45 531	91 062	137 464	183 515
	алоқа канали линияси бўйича харажатларни қоплаш	177 992	314 103	200 578	215 578	225 578	235 578
	бошқа хизматлар		18 507	6 512	32 560	58 608	65 120
	<b>Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда</b>	<b>94 000</b>	<b>439 852</b>	<b>70 082</b>	<b>150 164</b>	<b>230 245</b>	<b>350 327</b>
	<b>Молиявий фаолиятдан олинган фойда</b>	<b>4 203 553</b>	<b>3 624 155</b>	<b>821 451</b>	<b>1 591 992</b>	<b>2 312 533</b>	<b>3 012 533</b>
<b>II</b>	<b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР</b>	<b>25 081 352</b>	<b>22 955 402</b>	<b>6 624 959</b>	<b>12 777 216</b>	<b>19 581 375</b>	<b>26 528 295</b>
	шу жумладан:						
<b>1</b>	<b>Жами ишлаб чиқариш қиймати</b>	<b>8 155 928</b>	<b>8 343 478</b>	<b>2 417 337</b>	<b>4 746 605</b>	<b>7 090 524</b>	<b>9 524 517</b>
	ундан						
<b>1,1</b>	<b>Ишлаб чиқариш материал харажатлари</b>	<b>1 119 789</b>	<b>1 324 235</b>	<b>402 662</b>	<b>701 928</b>	<b>1 009 497</b>	<b>1 386 377</b>
	харид қилинган материаллар	788 405	160 329	41 883	87 573	135 167	190 377
	хўжалик моллари		500 281	220 000	320 000	420 000	556 100
	ёқилғи	12 183	88 789	1 307	2 733	4 218	5 940
	бинолар ижараси ва эксплуатацияси	184 526	309 388	74 872	156 550	241 632	340 327
	коммунал хизматлар		118 170	28 597	59 794	92 291	129 987
	электр энергияси	134 675	147 278	36 003	75 278	116 189	163 646
<b>1,2</b>	<b>Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари</b>	<b>4 630 690</b>	<b>4 623 992</b>	<b>1 325 266</b>	<b>2 651 658</b>	<b>3 978 049</b>	<b>5 304 441</b>
<b>1,3</b>	<b>Ижтимоий сўғуртага ушлунмалар</b>	<b>1 157 673</b>	<b>1 155 998</b>	<b>331 317</b>	<b>662 914</b>	<b>994 512</b>	<b>1 326 110</b>
<b>1,4</b>	<b>Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси</b>	<b>618 556</b>	<b>574 360</b>	<b>191 459</b>	<b>382 918</b>	<b>574 377</b>	<b>765 836</b>
<b>1,5</b>	<b>Ишлаб чиқариш мақсадидаги бошқа харажатлар</b>	<b>629 220</b>	<b>664 893</b>	<b>166 633</b>	<b>347 187</b>	<b>534 089</b>	<b>741 753</b>
	асосий воситаларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	112 057	106 296	17 424	36 432	56 232	79 200
	ЦБ канали ижараси	253 538	184 287	55 902	111 804	167 706	223 608
	ташкилий техникага хизмат кўрсатиш		23 112	5 500	11 500	17 750	25 000
	алоқа хизматлари	207 277	44 659	10 745	22 467	34 677	48 841
	почта-телеграф харажатлари		1 890	497	1 041	1 608	2 266
	интернет		192 019	46 469	97 162	149 967	211 221
	телекоммуникацион хизматлар		66 813	14 300	29 900	46 150	65 000
	транспорт хизматлари		17 789	5 000	8 000	12 000	20 000
	ёнғин хавфсизлиги			1 000	2 500	4 000	5 000
	иш сафари бўйича харажатлар	56 348	28 028	9 796	26 381	43 999	61 617
<b>2</b>	<b>Давр харажатлари</b>	<b>15 275 212</b>	<b>13 218 152</b>	<b>3 888 622</b>	<b>7 363 611</b>	<b>11 461 351</b>	<b>15 553 778</b>
<b>2,1</b>	<b>Реализация харажатлари</b>	<b>40 344</b>	<b>132 800</b>	<b>95 993</b>	<b>192 086</b>	<b>289 479</b>	<b>394 572</b>
	меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари			32 714	65 428	98 142	130 856
	ижтимоий сўғуртага ушланмалар			8 179	16 358	24 537	32 716
	реклама	40 344	18 192	15 000	30 000	45 000	60 000
	пресс-конференция		3 200	1 500	3 000	4 500	6 000
	кўргазма-ярмаркаларда иштирок		111 408	28 600	59 800	92 300	130 000
	босма маҳсулот			5 000	10 000	15 000	20 000

	сувенир ва совғалар			5 000	7 500	10 000	15 000
<b>2,2</b>	<b>Маъмурий харажатлар</b>	<b>3 861 272</b>	<b>2 850 332</b>	<b>908 210</b>	<b>1 817 634</b>	<b>2 733 254</b>	<b>3 585 891</b>
	меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	2 770 722	2 141 322	661 895	1 323 789	1 985 684	2 647 578
	ижтимоий суғуртага ушланмалар	692 681	450 689	161 724	323 448	485 172	574 894
	маъмурий мақсаддаги асосий воситалар амортизацияси	72 560	40 683	10 540	21 080	31 620	42 160
	автотранспортни сақлаш харажатлари	186 320	125 530	38 822	68 151	100 750	142 369
	алоқа хизматлари	3 240	5 579	1 500	3 000	4 500	6 000
	иш сафари харажатлари	50 492	27 308	22 154	45 016	70 803	96 590
	вакиллик харажатлари	85 257	59 221	11 575	33 150	54 725	76 300
<b>2,3</b>	<b>Бошқа операцион харажатлар</b>	<b>11 373 596</b>	<b>10 235 020</b>	<b>2 884 419</b>	<b>5 353 891</b>	<b>8 438 618</b>	<b>11 573 315</b>
	бюджетга тўловлар	700 596	579 174	161 933	368 461	574 989	781 517
	давлат мақсадли жамғармаларига ушланмалар	894 057	944 483	268 141	538 775	813 502	1 099 194
	компенсация ва рағбатлантириш характеридаги тўловлар	1 869 722	1 553 608	360 948	511 948	1 080 045	1 654 101
	ижтимоий суғуртага ушланмалар	413 885	299 772	90 237	127 987	270 011	413 525
	касбий кўмитани сақлаш харажатлари	78 200	78 200	18 250	35 600	56 553	86 934
	аудиторлик хизматлари, банк ва депозитарий хизматлари, маслаҳат хизматлари	197 195	193 846	44 960	104 117	170 375	236 633
	хомийлик ёрдами	1 382 873	1 980 000	723 026	1 121 223	1 519 421	1 718 520
	мажбурий суғурта		5 406	160	460	610	5 992
	кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш		31 841	24 071	51 962	105 103	158 294
	обуна		5 646	4 000	8 000	12 000	16 000
	МВ ва ИВ бюджетдан ташқари жамғармаларига ушланмалар	5 602 477	4 371 729	1 187 693	2 483 358	3 833 009	5 398 605
	суд харажатлари		5 726	1 000	2 000	3 000	4 000
	бошқа харажатлар	234 591	185 589	0			
<b>3</b>	<b>Молиявий фаолият харажатлари</b>	<b>1 650 212</b>	<b>1 393 772</b>	<b>319 000</b>	<b>667 000</b>	<b>1 029 500</b>	<b>1 450 000</b>
<b>III</b>	Солиқларни тўлашгача бўлган давр учун молиявий натижа	8 041 447	8 301 703	1 927 740	4 358 521	6 204 326	8 240 118
<b>IV</b>	<b>Солиққа тортиладиган база</b>	<b>17 179 646</b>	<b>15 004 502</b>	<b>2 670 018</b>	<b>5 517 345</b>	<b>7 783 300</b>	<b>10 049 572</b>
	даромад солиғи	927 108	1 119 840	200 251	413 801	583 748	753 718
	бошқа солиқлар (инфратузилма)	569 147	573 504	138 107	315 486	449 555	598 820
<b>V</b>	<b>Соф даромад</b>	<b>6 545 192</b>	<b>6 608 359</b>	<b>1 589 382</b>	<b>3 629 234</b>	<b>5 171 023</b>	<b>6 887 580</b>

## 10. 2016 йил учун прогнозланаётган баланс

(минг.  
сўмда)

Кўрсаткич номи	давр бошида	давр охирида	Кўрсаткич номи	давр бошида	давр охирида
<b>АКТИВ</b>			<b>ПАССИВ</b>		
<i>Узоқ муддатли воситалар</i>			<i>Шахсий воситалар манбалари</i>		
Баланс кийматидаги асосий воситалар	24 527 507	28 764 307	Устав капитали	15 741 268	15 741 268

Қолдиқли қийматидаги асосий воситалар	16 384 770	19 857 122	Қўшимча капитал	564 835	564 835
Баланс қийматидаги номоддий активлар	928 769	1 076 403	Заҳира капитали	10 732 771	11 232 771
Қолдиқли қийматидаги номоддий активлар	172 162	861 122	Сотиб олинган шахсий улушлар		
Узоқ муддатли инвестициялари	41 500	41 500	Таксимланмаган фойда	6 874 064	6 874 064
Ўрнатилган курилмалар	14 242		Мақсадли тушумлар	-	
Капитал киритмалар	353 138		Келгусидаги харажат ва тўловлар заҳираси	357 445	527 445
<b>Жорий активлар</b>			<b>Мажбуриятлар</b>		
Ишлаб чиқариш заҳиралари	275 058	135 300	Жорий кредиторлик қарздорлиги	345 320 687	363 096 339
Келгуси давр харажатлари	16 000	16 000	Узоқ муддатли қарз (заём) лар		
Кечиктирилган харажатлар	6 901	6 731			
Дебиторлар	18 672 300	18 372 000	Узоқ муддатли банк кредитлари		
Пул маблағлари	318 198 723	328 906 237			
Қиска муддатли инвестициялар					
Бошқа жорий активлар					
<b>БАЛАНС</b>	<b>379 591 070</b>	<b>398 036 722</b>		<b>379 591 070</b>	<b>398 036 722</b>

Шуни таъкидлаш керакки, “пул маблағлари” ва “мажбуриятлар” бўлимларига биржа мижозлари ва аъзоларининг (савдо иштирокчиларининг гаров суммалари) дебет бўйича ва ушбу воситаларни баланс кредити битимлари тугагандан кейин қайтариш мажбуриятлари киритилган.

## 11. Фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Акциядорлик жамиятлари ва давлат улушига эга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низомга мувофиқ (ЎзРес ВМ нинг 28.07.2015 й.даги № 207-сонли Қарорига илова) “ЎзРТХБ” АЖ фаолияти самарадорлигининг асосий ва қўшимча прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

СКК (Самарадорликнинг калит кўрсаткичлари) ҳисоби ҳар чорақда олиб борилади. СКК ни ҳисоблаш учун асос бўлиб – ташкилотда мавжуд ва қуйидагилардан иборат маълумотлар ҳисобланади:

- бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари;
- давлат органлари (молиявий, статистика ва солиқ ва хк.) га топшириладиган ҳисобот;
- бизнес-режа;
- тегишли тартибда олинган ёки ишлаб чиқилган бошқа материаллар.

Барча СКК бўйича ўртача ўлчанган қиймат – ташкилот ижро органи фаолияти самарадорлигининг интеграл коэффициенти шаклида ифодаланади (С.И.К.).

“ЎзРТХБ” АЖ самарадорлигининг асосий калит кўрсатгичлари рўйхати ушбу бизнес режанинг 1-Иловасида келтирилган.

“ЎзРТХБ” АЖ самарадорлигининг қўшимча калит кўрсатгичлари рўйхати ушбу бизнес режанинг 2-Иловасида келтирилган.

## **12. Дебиторлик қарздорлигини ундириш ва кредиторлик қарздорлигини камайтириш бўйича чора-тадбирлар**

«ЎзРТХБ» АЖ да олинган ТМБ ва хизматлар бўйича шартномалар ижросини таҳлил қилиш, ҳамда таъминотчи ва буюртмачилар билан доимий аснода ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказиш орқали таъминотчилар олдидаги дебиторлик қарздорлиги ва мажбуриятларни қисқартириш бўйича доимий ишлар олиб борилади. Ихтиёрий тарзда тартибга солилмаган Дебиторлик қарздорлиги судга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

**“ЎЗРТХБ” АЖ нинг 2016 йилдаги бизнес режасига  
1-Илова**

**Самарадорликнинг калит кўрсаткичлари  
РЎЙХАТИ**

N	Кўрсаткич	2016 й.1 чораги		2016 й.1 яримйиллиги		2016 йилнинг 9 оyi		2016 й	
		Солиш тирма вазн	Прогноз ли (мақсадли) аҳамият	Солиш тирма вазн	Прогноз ли (мақсадли) аҳамият	Солиш тирма вазн	Прогноз ли (мақсадли) аҳамият	Солиш тирма вазн	Прогноз ли (мақсадли) аҳамият
<b>Асосий калит кўрсаткичлар</b>									
1	Фоиз, солиқ ва амортизация ҳисоблангунига қадар бўлган фойда (EBITDA - Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization)*								
2	Харажат ва фойда мутаносиблиги (CIR - Cost Income Ratio)*								
3	Жалб қилинган капиталнинг даромадлиги (ROCE - Return on Capital Employed)*								
4	Акциядорлик капиталининг даромадлиги (ROE - Return On Equity)*								
5	Акциядорлар инвестициясининг даромадлиги (TSR - Total Shareholders Return)*								
6	Активлар даромадлиги	30%	0,014	30%	0,013	30%	0,013	27%	0,018
7	Абсолют ликвидлик коэффициенти	25%	0,96	25%	0,96	25%	0,95	22%	0,90
8	Молиявий мустақиллик коэффициенти	23%	0,09	23%	0,09	23%	0,09	20%	0,07
9	Кредиторлик қарздорлигининг кундаги ифодаси	3%	2 018	3%	1 978	3%	1938	3%	2500
10	Дебиторлик қарздорлигининг кундаги ифодаси	3%	194	3%	205	3%	215	3%	200
11	Қоплаш коэффициенти (тўлаш салоҳияти)	16%	1,04	16%	1,04	16%	1,04	15%	1,04
12	Дивиденд чиқими							10%	50
<b>Жами:</b>		<b>100%</b>		<b>100%</b>		<b>100%</b>		<b>100%</b>	
<b>Қўшимча калит кўрсаткичлар</b>									
1	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	13%	0,32	13%	0,31	13%	0,31	13%	0,30
2	Асосий воситаларни янгилаш коэффициенти	6%	0,02	6%	0,02	6%	0,02	6%	0,02
3	Меҳнат ишлаб чиқарувчанлиги	9%	42 518	9%	43 032	9%	43 545	9%	50 000
4	Жамғармаларга ушланмалар	6%	1,27	6%	1,28	6%	1,28	6%	1,2

5	Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш коэффициенти	3%	1,03	3%	1,03	3%	1,03	3%	1,05
6	Энергия самарадорлиги (энергия харажатларининг махсулот қиймати тузилмасидаги улуши)	3%	0,01	3%	0,01	3%	0,01	3%	0,01
7	Ходимларни ўқитиш харажатлари, бир ишчи ҳисобида	8%	500 000	8%	500 000	8%	500 000	8%	500 000
8	Кадрларнинг оқувчанлик коэффициенти	3%	1,02	3%	1,02	3%	1,02	3%	0,90
9	Соф даромаднинг рентабеллик коэффициенти	10%	0,16	10%	0,14	10%	0,13	10%	0,18
10	Активлар рентабеллиги (ХКП мижозларининг гаров суммаларини ҳисобга олмаганда)	7%	0,13	7%	0,13	7%	0,13	7%	0,15
11	Абсолют ливидлик коэффициенти (ХКП мижозларининг гаров суммаларини ҳисобга олмаганда)	9%	3,6	9%	3,5	9%	3,4	9%	3,3
12	Кредиторлик қарздорлигининг ифодаси (ХКП мижозларининг гаров суммаларини ҳисобга олмаганда)	6%	16	6%	15	6%	15	6%	35
13	Дебиторлик қарздорлигининг ифодаси (ХКП мижозларининг гаров суммаларини ҳисобга олмаганда)	6%	12	6%	12	6%	11	6%	60
14	Савдолар айланмасининг ўсиш коэффициенти	7%	0,035	7%	0,035	7%	0,035	7%	0,035
15	Олий маълумотли ходимлар улуши	2%	0,75	2%	0,75	2%	0,75	2%	0,75
16	1 ходим учун соф даромад	2%	13 849	2%	13 955	2%	14 060	2%	18 000
<b>Жами самарадорликнинг интеграл коэффициенти:</b>		<b>100 %</b>		<b>100 %</b>		<b>100 %</b>		<b>100 %</b>	